

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВА НАДИРАХОН АБДУМАЛИКОВНА

ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ УСУЛЛАРИ АСОСИДА ПИЛЛАЧИЛИК
ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Алиева Нодирахон Абдумаликовна

Инновацион менежмент усуллари асосида пиллачилик тармоғини
бошқаришни такомиллаштириш 3

Алиева Надирахон Абдумаликовна

Совершенствование управления отраслью шелководства на основе
методов инновационного менеджмента..... 29

Alieva Nadirakhon Abdumalikovna

Improving the management of the sericulture industry based on innovative
management methods 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВА НАДИРАХОН АБДУМАЛИКОВНА

ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ УСУЛЛАРИ АСОСИДА ПИЛЛАЧИЛИК
ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Iqt2296 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdiu.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умарходжаева Муяссархон Ганиевна
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Суюнов Дилмурод Холмуродович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Жумаев Олимжон Садуллаевич
иктисодиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-01-49, факс: (99871) 239-41-23, e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-01-49, факс: (99871) 239-41-23, e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

М.П.Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Д.М.Мавлянова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д., доцент

Ш.Дж.Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пиллачилик тармоғида ишлаб чиқариладиган ипак маҳсулотларига бўлган талаб юқори бўлганлиги сабабли, ушбу тармоқни ривожлантириш ва сифатли тайёр ипак маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. «Ҳозирги кунда 60 дан ортиқ мамлакатларда пилладан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар дунё тўқимачилигининг 0,2 фоизини ташкил этсада, фақат 20 дан ортиқ мамлакатдагина пилла етиштирилади. Дунёда пилла етиштириш миқдори бўйича биринчи ўринда Хитой, иккинчи ўринда Ҳиндистон, учинчи ўринда Ўзбекистон, тўртинчи ўринда Корея туради. БМТнинг статистик хизматлари маълумотларига асосан, дунё бўйича ҳом ипак экспорти йилига 4-5 тоннани ташкил этиб, 450-500 миллион доллар атрофида савдо амалга оширилиб, жаҳон бозорида ипак маҳсулотларга бўлган талаб жуда юқори»¹. Бу эса, ипак маҳсулотларининг сифатини ошириш, ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий этиш ва тармоқни бошқаришни такомиллаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш заруратини келтириб чиқаради.

Жаҳоннинг пиллачилик тармоғи мавжуд мамлакатларида ушбу тармоқни ривожлантириш ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, инновациялар асосида маҳсулот сифатини ошириш, тармоқ корхоналарини инновацион бошқаришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда халқаро миқёсда табиий толаларга бўлган талабнинг ошиб бориши, мамлакат иқлим ҳамда ишлаб чиқариш ижтимоий-иқтисодий шароитларининг табиий толалар тақлифига таъсири, пиллачилик тармоғини ривожлантириш орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш сифатини ошириш, иқтисодий ривожланишни таъминлаш ҳамда камбағаллик даражасини қисқартириш муаммолари тадқиқ этилмоқда. Пиллачилик корхоналарида фан-техника сифими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий асосларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда пиллачилик тармоғида олиб борилган ислохотлар натижасида «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ташкил этилиб, пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантиришга қаратилган яхлит ташкилий-технологик тизим барпо этилди. «Бугунги кунда уюшма тизимида 76 та пиллачилик кластерлари фаолият кўрсатиб, тармоқда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йил сайин ошиб бормоқда. Шунга қарамай, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси маълумотларига қараганда, республикада мавжуд ипак қурти ишлаб чиқариш корхоналари, бугунги кунда пилла корхоналари эҳтиёжининг 45 фоизини таъминлай олади. Ўзбекистонда пилла ҳосилдорлиги бир қути ипак қуртидан 55-56 кг ташкил этиб, бу кўрсаткич Хитой ва Ҳиндистонда 80-85 кг га тенг. Республика ипак маҳсулотлари экспорт таркиби бўйича 2020 йилда ҳом ипак 23,4 фоизни, ипак момиғи 49,4 фоизни, ипак ип 0,2 фоизни ва ипак мато 27,0

¹ Каюмов А. Конъюнктура узбекского шелка//Журнал «Экономическое обозрение» №11 (263) 2021. <https://review.uz>

фоизни ташкил этган. Республикамизда бугунги кунда 72 фоизга яқин маҳсулот фақат бирламчи қайта ишланиб, экспортга йўналтирилаётганини кўрсатади»². Бу эса, пиллани чуқур қайта ишлаш жараёнларини ташкил этишдаги муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатади. Шу боис, бугунги кунда республикада мавжуд бўлган пиллачилик тармоғи корхоналарини модернизациялаш, мавжуд қувватлардан тўлақонлик фойдаланиш, улар фаолиятини диверсификациялаш, соҳага киритилаётган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда жаҳон бозорида рақобатбардош бренд тайёр маҳсулотлар билан ўз мавқеига эга бўлиш учун, инновацион менежментни усуллари асосида тармоқни бошқаришни такомиллаштириш йўналишида илмий-тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон «Ўзбекипаксаноат уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 20 мартдаги ПҚ-3616-сон «Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ва мазкур тармоққа тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарда инновацион жараёнларни бошқариш масалалари кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, Й.Шумпетер, Клайна-Розенберг, Р.Росвелл, Акио Морита, Фумио Кодама ва бошқа олимлар бу масалалар борасида илмий тадқиқотлар олиб боришган³.

МДХ мамлакатлари олимларидан: В.Г.Медынский, А.Б.Борисов, В.В.Глуценко, И.И.Глуценко, Р.А.Фатхутдинов, В.Л. Попов, П.Н.Завлин, А.К. Казанцев, И.Н.Гречикова ва бошқаларнинг тадқиқотларида инновацион бошқаришнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари тадқиқ этилган⁴.

² «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси маълумотлари

³ Kline S.J. An overview of innovation / S.J. Kline, N. Rosenberg // The positive sum strategy: Harnessing technology for economic growth / edited by Landau R. & Rosenberg N. — Washington, DC: National Academy Press, 1986 — pp. 275-305.; Rothwell R. Towards the fifth-generation innovation process // International Marketing Review. — 1994. — Vol.11. — No.1. — Pp.7-31.; Kodama F. Emerging patterns of innovation sources of Japan's technological edge. -Harvard Business School, Boston, 1995. — 297 p.; Wheelwright S.C., Clark K.B. Revolutionizing product development: Quantum leaps inspeed, efficiency and quality. — NY: The Free Press, 1992.

⁴ Медынский В.Г. Инновационный менеджмент. — М.: ИНФРА-М, 2002. — С. 28.; Большой экономический словарь. — М.: Книжный мир, 2000. — С. 185.; Медынский В.Г. Инновационный менеджмент. — М.: ИНФРА-М, 2002. — С. 28.; Глуценко В.В., Глуценко И.И. Исследование систем управления: социологические, экономические, прогнозные, плановые, экспериментальные исследования. 2-е изд. — М.: ООО НПЦ «Крылья», 2004. С.30.; Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. — Спб.: Питер, 2004. — С. 19.; Попов В.Л. Управление инновационными проектами. Учебное пособие. — С.: ИНФРА-М, 2009. — С.11.(С. 337.); Завлин П.Н.

Ўзбекистонда бизнесни бошқариш, шу жумладан, унинг инновацион фаолияти ва бошқарув тизимини ўрганиш бўйича Н.Қ.Йўлдошев, М.Л.Турсунходжаев, М.С.Қосимова, С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Р. И.Гимуш, Ф. М.Матмуродов, Б.Э.Тошмуродова, Н.Жиянова, Г.А. Хамдамова, Р.Х.Эргашев, С.Р.Халиков, А.Ж.Тошбоев ва бошқа олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар⁵. Республикамизда пиллачилик тармоғини ривожлантириш ҳамда унинг иқтисодий муаммоларини ўрганишда мамлакатимиз олимлари томонидан кўплаб илмий ишлар олиб борилган. Бу борада Артикова С., Исраилов Р., Мухамедиева Д.Т., Ҳуроқов Ш., Шарипов Б.Қ. каби олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар⁶.

Амалга оширилган ушбу тадқиқотлар муҳим илмий ва услубий манба бўлса-да, бугунги кунда республикамизда пиллачилик тармоғидаги мавжуд салоҳиятини ҳисобга олиб, унинг инновацион фаолиятини ривожлантириш, пиллачилик тармоғидаги жараёнларни бошқарув фаолиятига инновацион менежмент усулларини татбиқ этишга қаратилган илмий тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган. Бизнинг тадқиқотимизда эса, инновацион менежмент усуллари асосида пиллачилик тармоғини бошқариш масалалари илмий тадқиқ этилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №2-021-І-сонли «Инновацион иқтисодиёт шароитида агробизнеснинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, менежменти ва инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-услубий ҳамда амалий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион менежмент усуллари асосида пиллачилик тармоғини бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

инновацион менежментнинг мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш;

Основы инновационного менеджмента: теория и практика: учеб. пособие /Под. ред. П.Н. Завлина и др.–М.: ОАО «НПО «Издательство «Экономика», 2000.–475с.; Гречикова И.Н. Менеджмент: учебник.–3-е изд., перераб. и доп.–М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997.–501 с.

⁵ Йўлдошев Н.Қ. ва бошқалар. Инновацион менежмент. Дарслик.-Т.: ТДИУ, 2012.; Гимуш Р. И., Матмуродов Ф. М. Инновацион менежмент: Иқтисодиёт олий ўқув юртлири учун ўқув кўл. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2008. – Б. 10. (144 б.) ; Тошмуродова Б.Э., Жиянова Н. Инновация фаолиятини молиявий рағбатлантириш. Ўқув кўлланма. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2006.-110 б; Хамдамова Г.А.ва бошқарлар. Инновацион менежмент. Ўқув кўлланма . “Иқтисод-молия”, 2018 йил, -362б.; Эргашев Р.Х., Халиков С.Р., Тошбоев А.Ж. Инновацион иқтисодиёт. Дарслик.-Т.: “Istisod-Moliya”,2019.-396б.

⁶ Артикова С. Формирование и повышение эффективности регионального подкомплекса шелк АПК в Узбекистане в условиях перехода рыночным отношениям. и.ф.д., дисс. -Т.1991.; Исраилов Р. Повышение материальной заинтересованности работников шелководства. и.ф.н.,дисс.автореферат. - Т.1991.Б-24.; Мухамедиева Д.Т.Прогнозирование развития производства и переработки продукции шелководства и.ф.н.,дисс.автореферат. - Т. 1995.Б-28.; Ҳуроқов Ш. Бозор иқтисодиёти шароитида пиллачилик тармоғи ривожланиш истиқболларини белгилаш. и.ф.н.дисс.-Т.2005. Б-14.; Шарипов Б.Қ. Тадбиркорлик фаолиятида хўжалик юритиш шаклларини диверсификациялаш имкониятларидан фойдаланиш. 08.00.15- Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.Тошкент.-2020.- Б.160.

пиллачилик тармоғини бошқаришда инновацион менежмент усуллари ва уларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

инновацион менежмент самарадорлигига пиллачилик тармоғида таъсир қилувчи омилларни тизимлаштириш;

ихтисослаштирилган пиллачилик кластерларида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини таҳлил қилиш;

пиллачилик тармоғида инновацион менежмент усулларида фойдаланишнинг умумий механизмини шакллантириш;

пиллачилик тармоғида инновацион жараёнларни самарали бошқаришда хорижий тажрибаларни тадқиқ этиш;

пиллачилик кластерларида инновацион менежмент усуллари қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

инновацион менежмент усуллари асосида пиллачилик тармоғини бошқаришни такомиллаштириш йўллари бўйича таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси Фарғона вилоятидаги пилла етиштириш ва қайта ишлаш, пиллани чуқур қайта ишлаш корхоналари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб инновацион менежмент усуллари асосида пиллачилик тармоғини бошқаришни такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, анкета-сўров, SWOT-таҳлил, эконометрик таҳлил ва прогнозлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кластер тизимида фаолият юритаётган пиллачилик корхоналарини бошқаришда «таъминот - ишлаб чиқариш - сотиш» жараёнлари ўртасидаги ўзаро мувофиқлик ва узвийликни таъминлашда қарама-қарши йўналишда мослашувчан ёндашувдан фойдаланиш орқали қўшилган қиймат занжирини такомиллаштириш таклифи асосланган;

пиллачилик кластерлари тизимида вертикал интеграция шаклида фаолият юритаётган корхоналар фаолиятини ишлаб чиқариш қувватлари жиҳатидан ўзаро номутаносиб бўғинларига инновацион жараёнларни татбиқ этиш орқали мувофиқлаштириш таклифи ишлаб чиқилган;

пиллачилик корхоналари салоҳияти ва барқарорлик ҳолатини баҳолаш уларнинг молиявий, иқтисодий, ташкилий, инвестицион фаолият йўналишлари бўйича алоҳида натижаларида инновацион таркиб салмоғининг даврий ўзгаришини аниқлаш орқали такомиллаштирилган;

тармоқ экспорт ҳажмига таъсир этувчи омиллар, пилла ишлаб чиқариш ҳажми, ташкил этилган пиллачилик кластерлари сони ва уларга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, Фарғона вилоятининг пиллачилик тармоғининг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пиллачилик тармоғида инновацион жараёнларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари асосланган;

пиллачилик тармоғининг Фарғона вилоятидаги ҳозирги ҳолатига баҳо берилиб, мазкур тармоқни ривожлантириш ва инновацион бошқаришнинг объектив зарурлиги асосланган;

пиллачилик тармоғида инновацион менежмент усуллари кўллашда мавжуд муаммоларни бартараф этиш чоралари таклиф этилган;

тармоқда ишлаб чиқарувчи субъектларнинг илмий муассаса ва ташкилотлар ҳамда етакчи мутахассислар билан ҳамкорлиги асосида пиллачилик кластерларида инновацион жараёнлар модели ишлаб чиқилган;

пиллачилик тармоғида инновацион жараёнларга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилиниб, пиллачилик кластерларининг кучли ва заиф жиҳатлари баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Инновацион менежмент усуллари асосида пиллачилик тармоғини бошқаришни такомиллаштириш бўйича фойдаланилган маълумотларнинг «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ва унинг тизимидаги корхоналарнинг даврий ҳисобот ва статистик тўпламларидан олинганлиги, пиллачилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланганлиги, ишда умумтадқиқот усулларида фойдаланилганлиги, хулосада келтирилган таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, уларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инновацион ёндашув асосида пиллачилик тармоғида пилла этиштириш, уни қайта ишлаш, тайёр ипак маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва сотиш жараёнларини ташкил этишни баҳолаш, тармоқни ривожлантириш ва ундаги корхоналарни инновацион менежмент усуллари асосида бошқаришни такомиллаштиришга оид илмий хулосалардан менежмент йўналишида бажариладиган ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижалар асосида пиллачилик тармоғида кластер усулида фаолият олиб бораётган корхоналар рақобатбардошлигини оширишда корхоналар фаолиятини режалаштириш ва инновацион стратегиясини ишлаб чиқишда, шунингдек, олий ўқув юрларида «Менежмент», «Инновацион менежмент» фанларидан маъруза матни, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион менежмент усуллари асосида пиллачилик тармоғини бошқаришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кластер тизимида фаолият юритаётган пиллачилик корхоналарини бошқаришда «таъминот - ишлаб чиқариш - сотиш» жараёнлари ўртасидаги ўзаро мувофиқлик ва узвийликни таъминлашда қарама-қарши йўналишда мослашувчан ёндашувдан фойдаланиш орқали кўшилган қиймат занжирини такомиллаштириш таклифидан «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси томонидан «Ипакчилик тармоғини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» ва дастури»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2022 йил 2

мартдаги 1-1/357-сон маълумотномаси). Янгиликнинг Фарғона вилояти «Нурли тонг силк» МЧЖ фаолиятига жорий этилиши натижасида, кластер тизимининг ҳар бир бўғинининг қўшилган қиймат самарадорлик коэффициенти таҳлил қилиниб, қўшилган қиймат занжиридаги ҳар бир бўғин фаолияти қайта кўриб чиқилган ҳолда оптималлаштирилган, бу эса ўз навбатида, корхонада бир бирлик маҳсулотга кетган ишлаб чиқиш харажатларини 7% га пасайтириш имконини берган, «Водил ипак йигирув» ШК да бу кўрсаткич 2,7% га камайган;

пиллачилик кластерлари тизимида вертикал интеграция шаклида фаолият юритаётган корхоналар фаолиятини ишлаб чиқариш қувватлари жиҳатидан ўзаро номутаносиб бўғинларига инновацион жараёнларни татбиқ этиш орқали мувофиқлаштириш таклифидан «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси томонидан «Ипакчилик тармоғини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» ва дастури»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2022 йил 2 мартдаги 1-1/357-сон маълумотномаси). Натижада, «Водил ипак йигирув» ШКда 2021 йилда экспортда тайёр маҳсулотлар ҳажмини 15% га ошириш имконини берган;

пиллачилик корхоналари салоҳияти ва барқарорлик ҳолатини баҳолаш уларнинг молиявий, иқтисодий, ташкилий, инвестицион фаолият йўналишлари бўйича алоҳида натижаларида инновацион таркиб салмоғининг даврий ўзгаришини аниқлаш таклифидан «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси томонидан «Ипакчилик тармоғини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» ва дастури»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2022 йил 2 мартдаги 1-1/357-сон маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг жорий этилиши, пиллачилик тармоғида кластер усулида фаолият олиб бораётган «Нурли тонг силк» МЧЖ ва «Водил ипак йигирув» ШКларнинг рақобатбардошлигини оширишда корхоналар фаолиятини режалаштириш ва инновацион стратегиясини ишлаб чиқиш учун асос бўлган;

тармоқ экспорт ҳажмига таъсир этувчи омиллар, пилла ишлаб чиқариш ҳажми, ташкил этилган пиллачилик кластерлари сони ва уларга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, Фарғона вилоятининг пиллачилик тармоғининг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичларидан «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси томонидан «Ипакчилик тармоғини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» ва дастури»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2022 йил 2 мартдаги 1-1/357-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси стратегик режалари кўрсаткичларининг аниқлик ва ўзаро мувофиқлик даражасини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, диссертация ишининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Инновацион менежмент усуллари пиллачилик тармоғида қўллашнинг назарий ва услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида пиллачилик тармоғида инновацион менежмент моҳияти ва унинг асосий тамойиллари, пиллачилик тармоғини бошқаришда инновацион менежмент усуллари ва уларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларининг назарий жиҳатлари тадқиқ этилган, пиллачилик тармоғида инновацион менежмент самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар тизимлаштирилган.

Диссертант томонидан, «инновация», «инновацион жараён», «инновацион фаолият» ва «инновацион менежмент» тушунчаларига олимлар томонидан берилган таърифлар тадқиқ этилиб, инновацион менежмент ҳар қандай корхонанининг рақобатбардошлигини таъминлашга асос бўлувчи, ўзгаришлар, инновацион жараёнларни бошқаришдаги усуллар, тамойиллар ва шакллар тизимидан иборат фаолият тури ҳисобланади, деган хулосага келинган. Инновацион менежментнинг асосий функциялари аниқланиб, инновацион жараёнларни бошқаришнинг алгоритмик схемаси келтирилган ва инновацион менежмент тамойиллари баён этилган.

Ҳозирги кунда дунё бўйича 20 дан ортиқ мамлакатда пилла етиштирилса да, 60 дан ортиқ мамлакатда ипак маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, дунё тўқимачилигининг 0,2 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон пилла етиштириш бўйича дунёда учинчи ўринда бўлиб, жаҳон бозорига атиги 28 фоиз тайёр ипак маҳсулот экспорт қилади. Тармоқда бирламчи ишлаб чиқарилган хом ипак ва ипак момиги экспортнинг катта қисмини ташкил этиб, жаҳон бозорида ушбу маҳсулотларни сотиш нархи пастлиги, пиллачилик тармоғига инновацияларни жорий этиш ва ушбу тармоқни бошқаришда инновацион менежмент усуллари қўллашни талаб этмоқда.

Диссертациядаги назарий тадқиқотлар натижасида, «Пиллачилик тармоғида инновациялар – бу истеъмолчиларнинг бозордаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илм-фан асосида яратилган янги ёки такомиллашган маҳсулот ва технология ҳамда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнидаги ижодий фаолият натижаси бўлган ташкилий ўзгаришлардир», деб таъриф берилган ва тармоқдаги инновациялар: илм-фан ютуқлари натижаси сифатида радикал ва такомиллаштирилган инновациялар, менежмент

функцияларига боғлиқ бўлган бошқарувдаги инновация, стратегик инновация ва жараён инновация гуруҳларига бўлинган. (1-расм).

Пиллачилик кластерларида инновацион менежментни ташкил этишнинг асосий мақсадлари: янги турдаги ипак маҳсулотларини ишлаб чиқиш, мавжудларини такомиллаштириш, корхоналарнинг илмий-техник ва ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлаш, фойдалилик даражаси юқори бўлган ишлаб чиқаришни янада модернизациялашдан иборатдир.



1-расм. Пиллачилик тармоғида инновациялар⁷

Инновацион менежмент самарадорлиги менежментнинг тамойиллари асосида инновацион менежмент усуллари қўллаш билан боғлиқ бўлиб, бунинг учун корхонада янгиликларни излаш ва татбиқ қилишни рағбатлантирувчи муҳитни яратиш, бутун инновацион фаолиятни истеъмолчилар эҳтиёжларига йўналтириш, «тадқиқот – ишлаб чиқариш – сотиш» жараёнини тезлаштириш мақсадида, бошқарув поғоналари сонини камайтириш, янгиликларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш муддатларини қисқартириш билан бирга инновацион масалаларни бир вақтнинг ўзида параллел равишда ечиш асосида ташкил этиш зарур. Пиллачилик тармоғида инновацион менежмент илм-фан, ишлаб чиқариш, сармоя киритиш ва сотиш жараёнларини узвий боғлаган ҳолда инновацион жараёнларни ташкил этиш ва

⁷ Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган
12

бу жараёнлар билан банд бўлган ташкилий тузилмалар ва уларнинг ходимларини инновацион ёндашув асосида бошқариш ҳисобланиб, бошқариш самарадорлиги ушбу жараёнларда қўлланиладиган усуллар натижадорлиги билан белгиланади.

Бошқарув усули қўйилган мақсадга эришиш учун бошқарилаётган объектга таъсир ўтказиш техника ва чоралари тўпламидир. Инновацион менежмент усуллари тизимнинг рақобатбардошлигини ошириш, ривожланиш барқарорлигини таъминлаш мақсадида ўз стратегиясини самарали амалга ошириш имконини берадиган, асосий бошқарув функцияларини амалга оширишда янгиликлардан фойдаланган ҳолда тизимнинг яхлит тузилишини бошқариш усуллари дидир. Инновацион менежмент бўйича адабиётларда инновацион менежмент усуллари умумий усуллар ва махсус усулларга бўлиб ўрганилган. Умумий усуллар, қўлланилиш соҳасига кўра, турли хил: эксперт усули, дельфи усули, сценарийни режалаштириш усули, SWOT-таҳлил усули, регрессион таҳлил усули, математик моделлаштириш усули ва бошқа усуллардан иборат бўлса, махсус инновацион менежмент усуллари тизимли таҳлил, омиллар таҳлили, вазиятли таҳлил ва функционал харажат таҳлил усуллари дан таркиб топган.



2-расм. Инновацион менежмент усуллари⁸

⁸ Муаллиф ишланмаси

Инновацион менежмент усуллари қўлланилиш соҳасига кўра, инновациянинг йўналтирилганлигига кўра ва усулнинг инновационлигига кўра, гуруҳларга бўлинади (2-расм).

Пиллачилик тармоғида юқорида келтирилган инновацион менежмент усуллари кўлашда қўйидаги муаммолар мавжуд:

биринчидан, пиллачилик тармоғидаги корхона раҳбарлари янги турдаги маҳсулотни яратишдан кўра, хорижий тажрибаларни қўллашни афзал кўрадилар. Баъзида эса бу тажрибалар турли омиллар таъсирига кўра, самарасиз бўлиб чиқади;

иккинчидан, пиллачилик тармоқ корхоналарида бошқарувда инновацион усулларни қўллай оладиган мутахассис раҳбарларнинг етишмаслиги;

учинчидан, интеллектуал мулк ва «интеллектуал мулк эгаси-институт-ишлаб чиқарувчи» тизимидаги даромаднинг тақсимланиш муносабатини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг такомиллаштирилмаганлиги;

тўртинчидан, пиллачилик тармоғидаги инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи тизимнинг ишлаб чиқилмаганлиги.

Шу билан бирга, диссертация ишида пиллачилик тармоғида инновацион жараёнларга салбий ва ижобий таъсир этувчи, иқтисодий-технологик, сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий бошқарув ва ижтимоий-психологик омиллар, инновацион фаолиятга ва пиллачилик корхоналарининг инновацион ривожланишига таъсир этувчи омиллар бевосита тармоқни бошқаришда инновацион менежмент усуллари кўлашга ўз таъсирини ўтказиши кўриб чиқилган.

Хулоса қилиб айтганда, пиллачилик тармоғида инновацион менежмент усуллари такомиллаштириш тизими мустаҳкамлаш, мавжуд ҳолатни тубдан ўзгартиришга хизмат қилади ҳамда нафақат иқтисодий, балки ижтимоий функцияларни амалга ошириш имконини беради. Пиллачилик корхоналарининг истиқболли инновацион фаолиятсиз мавжуд бўла олмайди, чунки у корхонанинг нафақат молиявий иқтисодий ҳолатига, балки маънавий ўсишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Инновацион менежмент усуллари асосида пиллачилик тармоғини бошқаришни такомиллаштириш халқаро бозор талабларига жавоб берадиган сифатли ипак маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва экспорт қилиш бўйича аниқ бир стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда истиқболли ривожлантириш режасини ишлаб чиқишга асос бўлади.

Диссертациянинг «**Инновацион менежмент асосида пиллачилик тармоғини бошқариш самарадорлиги таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида республикада пиллачилик тармоғининг иқтисодий кўрсаткичлари, пиллачиликка ихтисослаштирилган кластерларда инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлиги таҳлил қилинган ҳамда пиллачилик тармоғида инновацион менежмент усулларидан фойдаланишнинг умумий механизмини шакллантириш масалалари кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2856 сонли қарори асосида, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ташкил этилгач, пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантиришга қаратилган яхлит ташкилий-технологик тизим барпо этилган. Ҳозирги кунда

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси тизимида 11 та ипак курти уруғи, 76 та кластер усулида пилла етиштириш ва қайта ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритиб, республикада пиллачилик тармоғининг самарали ривожланиши натижасида, 2021 йилда 4 та мавсумда 24 минг тоннадан ортиқ пилла етиштирилган. Тармоқда ташкил этилган кластерлар тизимида тайёр ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг йўлган қўйилиши ҳисобига, экспорт ҳажми 87,5 млн.АҚШ долларини ташкил этди.

Маълумки, кластер тизими миллий иқтисодиётга янги кириб келган тизим бўлиб, пиллачилик тармоғида кластер тизimini ташкил этишнинг асосий мақсади, қўшилган қиймат занжирини яратиш натижасида тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ҳудуд аҳолисини доимий иш билан таъминлаш ҳисобланади. Пиллачилик кластерлари фаолиятини бошқариш, кластер иштирокчилари ва хизмат кўрсатувчи субъектлар билан алоқаларни тўғри ташкил этиш орқали илмга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадга мувофиқ (3-расм).



3-расм. Пиллачилик кластерининг тузилмаси⁹

Диссертацияда Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган 8 та пиллачилик кластерининг ташкилий тузилмаси ўрганилган ва фаолияти таҳлил қилинган. Пиллачилик кластерларининг жойлашган ҳудуди, мавжуд тут плантациялари, фаолият олиб бораётган муддати, инвестицион ва инновацион салоҳияти каби омилларнинг кластерлар инновацион ривожланишига таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқот давомида пиллачилик тармоғидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш мақсадида, пиллачилик кластерлари раҳбар ва ходимлари ўртасида анкета-сўровнома ўтказилди. Анкетада: пиллани етиштириш, бирламчи қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларига инновацияларни жорий этилганлиги, кластерларда илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ташкил

⁹ Муаллиф ишланмаси

этилганлиги, бошқарув-ташкилий жараёндаги инновациялар мавжудлиги, кластер ходимларнинг малакаларини ошириш ҳолати, пиллачилик кластерларида маркетинг фаолиятининг даражаси каби ҳолатларга 10 гача бўлган балл бериш билан баҳолаш сўралган. Сўровнома натижасида пиллачилик кластерларида маркетинг фаолиятининг жуда суст ҳолатда эканлиги, пиллани қайта ишлаш ва мато ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ташкил этиш зарурияти мавжудлиги аниқланди (1-жадвал). Тармоқдаги илмий-технологик янгиликларни, хорижий тажрибаларни, халқаро пиллачилик бозоридаги ҳолатни ўрганиш бўйича маълумотлар олишга имкониятлар яратилиши ҳақида истаклари мавжудлиги таъкидланган.

1-жадвал


Фарғона вилояти пиллачилик кластерларида инновацион жараёнларни баҳолаш бўйича анкета сўровномасининг натижаси¹⁰

	“Нурли тонг силк” МЧЖ	“ Silk World Busines ” МЧЖ	“Бешарик ипаги” МЧЖ	“Данғара ипаги” МЧЖ	«Yozyovon Silk VATS» МЧЖ	“Водил ипак йилғилар” ШК	“Тошлок силк” МЧЖ	“Учкўприк ипаги” МЧЖ
Пилла этиштириш жараёнига инновацияларнинг жорий этилганлиги	8	6	6	6	5	8	4	5
Хом ипак олиш жараёнида инновациялар жорий этилганлиги	8	5	6	6	4	9	4	7
Ипак момиғи ишлаб чиқиш жараёнида инновацияларнинг жорий этилганлиги	8	4	5	5	2	8	2	5
Калаваланган ипак ип ишлаб чиқиш жараёнида инновацияларнинг жорий этилганлиги	7	5	4	4	4	8	4	5
Тайёр ипак маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида инновацияларнинг жорий этилганлиги	8	4	5	5	4	8	4	8
Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси мавжудлиги	5	3	3	4	2	5	2	4
Бошқарув-ташкилий жараёндаги инновациялар мавжудлиги	9	5	6	6	5	8	5	5
Кластер ходимларнинг малакаларини ошириш ҳолати	7	4	5	6	4	7	5	5
Янгиликлар ва ахборотларни ўзлаштириш имконияти	7	5	5	5	4	7	4	4
Пиллачилик кластерларида маркетинг фаолияти даражаси	8	5	4	6	4	7	4	5
Ўртача кўрсаткич	7.5	4.6	4.9	5.3	3.8	7.5	3.8	5.3

Маълумки, инновацион менежмент - инновацион жараёнларни, инновацион фаолият билан шуғулланувчи шахсларни бошқариш тамойиллари, усуллари ва шакллари тизими сифатида қаралади. Пиллачилик тармоғида

¹⁰ Муаллифнинг тадқиқотлари натижаси асосида ишлаб чиқилган

инновацион менежмент самарадорлиги инновацион жараёнларни бошқариш механизмининг шаклланганлиги ва механизмнинг амалга ошиши натижасида юзага келади. Инновацион жараёнларнинг бошқарув механизми бошқарув воситалари ва усуллари йиғиндисидан иборат. Бошқарув воситаси бошқаришни амалга оширишга ёрдам берувчи нормалар, мезонлар, талаблар кўринишида бўлиб, ричаг сифатида хизмат қилади. Бошқарув усуллари эса, воситалардан фойдаланган ҳолда бошқарув механизмини ҳаракатга келтирувчи усуллардир (4-расм).



4-расм. Пиллачилик тармоғида инновацион менежментнинг умумий механизми¹¹

¹¹ Муаллиф ишланмаси

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, пиллачилик тармоғида инновацион ривожланиши борасидаги муаммоларнинг ўз ечимини топишида, биринчи навбатда, тармоқда инновацион менежментни ташкил этиш ва унинг усулларини самарали қўллаш, ипак маҳсулотларнинг сифатини ошириш ҳамда тармоқда рақобат муҳитини янада яхшилаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Инновацион менежмент усуллари асосида пиллачилик тармоғини бошқаришни такомиллаштириш йўллари»** деб номланган бўлиб, ушбу бобда, пиллачилик тармоғида инновацион жараёнларни самарали бошқаришда хорижий тажрибалар кўриб чиқилган ва пиллачилик кластерларида инновацион менежмент усулларини қўллаш ва инновацион менежмент усуллари асосида тармоқни бошқаришни такомиллаштириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хориж тажрибасини ўрганиш натижасида, диссертант томонидан пиллачилик тармоғида ахборот узатишни ривожлантириш, пиллачилик тармоғидаги интеллектуал салоҳиятни ошириш, тармоқда кластерларни бошқариш бўйича таълим берувчи ўқув курсларини ташкил этиш ва пиллачилик тармоғида тадбиркорларнинг инновацион бизнес моделларини яратиш каби хорижий тажрибаларни қўллаш бўйича таклифлар берилган.

Тадқиқотлар натижасида, кластер тизимида фаолият юритаётган пиллачилик корхоналарини бошқаришда «таъминот - ишлаб чиқариш - сотиш» жараёнлари ўртасидаги ўзаро мувофиқлик ва узвийликни таъминлашда қарама-қарши йўналишда мослашувчан ёндашувдан фойдаланиш орқали кўшилган қиймат занжирини такомиллаштириш таклифи ишлаб чиқилган:

I босқич. Кластер усулида фаолият олиб бораётган пиллачилик корхоналарида яратилган қўшимча қиймат занжирининг таркибий қисмларини ўрганиш орқали занжирдаги ҳар бир асосий буғиннинг бир-бирига боғлиқлик ҳолати аниқланди.

II босқич. Кўшилган қиймат занжири бўйича моддий ресурслар оқимининг ҳаракатини шакллантириш орқали тугалланган тайёр маҳсулот қийматида сарф бўлган материал ресурслар сарфининг ҳиссаси аниқланди.

III босқич. Занжирдаги ҳар бир бўғинида яратилган қийматни ҳисоблаб, умумий кўшилган қиймат занжиридаги ҳар бир бўғиннинг сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулот қийматидаги улуши аниқланди.

IV босқич. Ҳар бир бўғиннинг кўшилган қиймат самарадорлик коэффициенти аниқланди.

$$K_{(i)}^{KKC} = KK_{(i)} / X_{p(i)}$$

Бу ерда, $K_{(i)}^{KKC}$ - кўшилган қиймат занжиридаги i буғиндаги кўшилган қиймат самарадорлик коэффициенти;

$KK_{(i)}$ – i бўғинда яратилган кўшилган қийматнинг умумий кўшилган қиймат занжиридаги улуши,

$X_{p(i)}$ - i бўғинда ишлаб чиқарилган маҳсулотда бошланғич ресурс сарфининг улуши,

V босқич. Бу босқичда ҳар бир бўғиннинг қўшилган қиймат самарадорлик коэффициентини таҳлил қилиш орқали қўшилган қиймат занжиридаги ҳар бир бўғин фаолияти қайта кўриб чиқилгани ҳолда оптималлаштириб борилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Пиллачилик кластерларида қўшилган қиймат самарадорлик
коэффициентлари¹²**


№		“Нурли тонг SILK” МЧЖ			“Водил ипак йигирув” ШК		
		ҚК _(i)	X _{p(i)}	K _(i) ^{ККС}	ҚК _(i)	X _{p(i)}	K _(i) ^{ККС}
I	Пилла етиштириш жараёни	3.78	30.31	0.12	3.562	32.56	0.11
II	Хом ипак ишлаб чиқариш жараёни	15.07	26.46	0.57	18.542	22.326	0.831
III	Ипак калава ишлаб чиқариш жараёни	6.29	76.48	0.08	21.282	52.64	0.40
IV	Ипак мато ишлаб чиқариш жараёни	50.21	34.79	1.40	37.582	54.45	0.69
V	Тайёр маҳсулот (аёллар шарфи) ишлаб чиқариш жараёни	23.00	76.99	0.29	17.48	82.52	0.21

Кластер тизимида ташкил этилган пиллачилик корхоналарида мавжуд қўшилган қиймат занжирининг самарадорлигини таҳлил қилиш натижасида қўшилган қиймат занжиридаги бўғинлардаги қўшилган қиймат самарадорлик коэффициенти аниқланди. Ушбу коэффициент «самарадорлиги паст» (0-0,20), «ўртача» (0,21-0,60), «барқарор» (0,61-0,90), «юқори» (0,91–1,5) кўрсаткичлари ёрдамида баҳоланади. Паст коэффициентга эга жараёнларни модернизациялаш зарурияти мавжуд бўлиб, пиллачилик кластери ривожланиши учун айнан шу бўғинларни ривожлантириш кераклиги асосланди.

Пиллачилик кластерлари тизимида вертикал интеграция шаклида фаолият олиб бораётган корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини бир-бирига мослаштириш ёки мувофиқлаштириш кластерларнинг стратегик ривожланишига асос бўлади. Маълумки, кластер тизимидаги корхоналар, яъни тутчилик хўжаликлари, пилла етиштирувчи хўжаликлар, пиллани қайта ишлаш корхоналари, ипак калава, ипак мато ишлаб чиқарувчи корхоналар, тайёр ипак маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналари бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш қувватларига турли хил омиллар таъсир этади. Ишлаб чиқариш қувватига технологик, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсир этади, технологик омилларга: асосий воситаларнинг сони ва сифати, технологик жараёнларни механизациялашган ва автоматлаштирилган даражаси, хом ашёнинг сифати, ташкилий омилларга ихтисослашув даражаси, ишлаб чиқариш кооперацияси, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувнинг ташкилий даражаси, иқтисодий омилларга: меҳнат ҳақи, унинг шакли ва ишчи-ходимларни рағбатлантириш тизими ҳамда ижтимоий омилларга ишчи-ходимларнинг

¹² Фарғона вилоятидаги пиллачилик кластерлари маълумотлари асосида тайёрланган

малакаси, профессионаллик даражаси, таълим даражаси, ижтимоий ҳолати киради.



5-расм. Пиллачилик кластерларида вертикал интеграция шаклида фаолият олиб бораётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини мувозанатлаштириш¹³

Диссертант томонидан, тадқиқот натижасида пиллачилик кластерлари тизимида вертикал интеграция шаклида фаолият юргизаётган корхоналар ишлаб чиқариш қувватларини инновацион жараёнларни ташкил этиш орқали мувозанатлаштириш усули ишлаб чиқилган (5-расм).

3-жадвал

Пиллачилик кластер тизимидаги корхоналар салоҳиятини ва барқарорлик ҳолатини аниқлашда таклиф этилаётган усуллар¹⁴

Барқарорлик ҳолати	Барқарорлик омиллари	Таклиф этилаётган инновацион менежмент усуллари	Қўлланилиши
Молиявий жиҳатдан	-тўлов қобилияти; -ликвидлик; -рентабеллик; -молиявий барқарорлиги; -банкротлик эҳтимоли	Молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш усули, ўсиш даражаларини солиштириш	Корхонанинг молиявий томонини баҳолашда, молиявий ҳолатини прогноз қилишда
Иқтисодий жиҳатдан	-маҳсулот бозоридаги муваффақияти; -ишлаб чиқариш имконияти; -техник имконияти; -молиявий имкониятлар; -меҳнат имкониятлари; -экологик хавфсизлиги	Молиявий-иқтисодий таҳлил, “экспресс таҳлил”, математик моделлаштириш, эксперт хулосаси	Корхонанинг иқтисодий ҳолатини баҳолаш, йўналишлар бўйича прогнозлашда
Ташкилий жиҳатдан	-персонал билан таъминланганлиги; -персоналларнинг квалификацияси; -мотивация тизимининг ривожланганлиги; -ташкилий маданият даражаси	Корхонанинг ташкилий бошқарув фаолиятидаги мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар таҳлили, эксперт баҳолаш, анкета, сўровнома ўтказиш усуллари	Корхона барқарорлигининг ташкилий-таркибий қисмини баҳолаш, корхонанинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда
Инвестицион жиҳатдан	-инвестиция салоҳияти; -инвестиция рисклари; инвестиция фаолиятининг самарадорлиги; -инвестицион мослашувчанлиги; -инвестицион фаоллиги	Қиёсий, регрессив таҳлил таъмоилига асосланган маъмурий-иқтисодий баҳолаш, таркибий таҳлил	инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш мақсадида корхонанинг инвестицион фаоллиги ва инвестиция фаолияти самарадорлигини баҳолашда
Инновацион жиҳатдан	-маҳсулот инновациялар; -инновацион жараёнлар; -ташкилий инновациялар; -бошқарув инновациялар	Бозордаги янги турдаги маҳсулот улуши, харажатларга нисбатан даромаднинг ошиши кўрсаткичларини таҳлил қилиш, ижтимоий сўровнома ўтказиш усуллари	Корхона барқарорлигининг инновацион компонентини баҳолашда

¹⁴ Муаллиф томонидан тайёрланган

Пиллачилик тармоғини самарали бошқаришда кластер усулида фаолият олиб бораётган корхоналар салоҳиятини тўғри баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун корхоналар молиявий, иқтисодий, ташкилий, инвестицион ва инновацион жиҳатдан барқарорлик ҳолатларини аниқлаши ва натижада, пиллачилик кластерларининг стратегияларини ишлаб чиқишлари зарур (3-жадвал).

4-жадвал

Пиллачилик кластерлар фаолиятини баҳолаш рейтинг тизими¹⁵

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлар	Рейтинг баллари
1	Озука базасининг мавжудлиги	Тут плантацияларининг ер майдони, мавжуд тут кўчатлари, тут баргининг ҳосилдорлиги ва сифати	1-5
2	Пилла етиштирувчи хўжаликлар билан шартномалар	Пилла етиштирувчи фермер, дехкон хўжаликлари ва касаначилар билан тузилган шартномалар, керакли моддий ресурслар билан таъминланиши, якуний ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилганлиги	1-5
